Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ **10 апрель 1973 йил, сешанба** ✦ № 84 (15.558). ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

«Совет Ўзбекистони» мухбирларидан

ЧИГИТ ЭКИШ АВЖИДА

АНДИЖОН. Область хўжаликларида чигит экиш уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Ҳозиргача 2500 гектардан зиёд майдонга уруғ ташланди.

Марҳамат. Ленин. Бўз районларида чигит экиш оммавий тус олди. Андижон районидаги Жамбул номли колхоз аъзолари чигит экишни 7 иш кунида тугаллашга сўз бердилар. Область партия комитети бу ташаббусни маъқуллаб, қарор қабул қилди. Ҳозир ташаббускор хўжаликда чигит экиш қизғин давом этмоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ.

УРГАНЧ. Хоразм область деҳқонлари бу йил сув танқислигини енгиб, шўр ювишни барвақт ўтказишди. Илғор хўжаликлар тупроқ етилиши билан ер ҳайдаш ва чигит экишга киришдилар.

Қўшкўпир районидаги Олтибой Қурбонов номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган агроном Собир Юсупов бошлиқ бригадаси аъзолари областда биринчи бўлиб ерга уруғ қадашга киришдилар. Колхоз механизаторлари чигит экишни 8-10 кунда тугаллашмоқчи.

Ф. ЗОҲИДОВ.

ЖУМА. Бу йил гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилган Пастдарғом районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков бошлиқ бригадаси чигит экишни уюшқоқлик билан бошлаб юборди. Экишнинг биринчи кунида сифатли тайёрланган 20 гектар ерга барака уруғи қадалди. Бу ишда универсалчи Хайрулла Худоёров ва Мусулмон Эргашев ўртоқлар актив фаолият кўрсатишмоқда. Ҳозир колхозда 20 сеялка чигит экяпти.

Л. ЭРГАШЕВ.

ШАКАРҚАМИШ ЭКИЛДИ

ДЕНОВ. Иттифоқимизда ягона хўжалик — Деновдаги шакарқамиш «Ромсовхозкомбинат» ишчилари бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан шакарқамиш пояси етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар юксак мажбуриятга яраша фидокорона меҳнат қиляптилар. Ҳозиргача планда белгиланган 150 гектар ерга шакарқамиш экиб бўлинди. Гектаридан 50-60 центнердан шакарқамиш ҳосили олиш учун курашаётган У. Бобомуродов, Б. Қурбонов ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларнинг ишчилари экишни бошлаб юбордилар.

ЕТТИ ЙИЛ ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРДАН

ТЕРМИЗ. Шўрчи районидаги «Ленинизм» колхозининг Гулмирза Ниёзов бошлиқ донгдор бригадаси аъзолари ўтган йили 86 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб пахта ҳосили олган эдилар. Улар тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга қатъий бел боғладилар.

Азамат дала гвардиячилари баҳорги дала ишларини юқори сифатли бажариб, чигит экиш олдидан ҳар гектар майдонга 7 тоннадан маҳаллий ўғит солдилар. Ҳозир бригада аъзолари чигит экишни бошлаб юбордилар. Экишдан сўнг гектарига яна 3 тоннадан маҳаллий ўғит солинади. Шунинг учун ҳам бу бригадада етти йилдан буён ҳосилдорлик 50 центнердан пастга тушгани йўқ. Донгдор бригада азаматлари чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш учун курашяптилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧИ АВЛОДИ

Бепоён мамлакатимиз тўққизинчи беш йилликнинг қудратли ватанпарварлик руҳи билан, ватанпарварлик меҳнат-шижоати билан яшамоқда. Партиямиз XXIV съезди белгилаб берган улкан вазифаларни амалга оширишда барча совет кишилари қатори ёшларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор режалари ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар сафини йил сайин малакали кадрлар билан тўлдириб, мустаҳкамлаб боришни тақозо этади. Бу катта вазифани амалга ошириш асосан ҳунар-техника таълими ўқув юртлари зиммасига юклатилган. Республикамизда ана шундай ўқув юртлари шохобчалари йил сайин кенгайтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида республикамиздаги ҳунар-техника таълими билим юртлари 44 мингдан кўпроқ ёш малакали ишчиларни тайёрлаб чиқарди ва 51 мингдан кўпроқ киши билим юртига, шу жумладан 4,2 минг киши касб ўргатиш билан ўрта маълумот ҳам берадиган билим юртларига қабул қилинди. Бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, шунингдек колхозларда якка тартибда, бригада усулида ва курс таълими бериш йўли билан салкам 473 минг кишига янги касблар ўргатилди ва уларнинг малакаси оширилди.

Ҳар йили завод, фабрика ва қурилиш коллективларига мингминглаб ёш авлод келиб қўшилмоқда. Улар ўз тақдирларини қаҳрамон ишчилар синфи тақдири билан боғлар эканлар, ўз зиммаларидаги масъулиятли бурчни тўла англайдилар. Ҳозирги ишчининг қиёфаси эса бутунлай бошқача. «Ҳозирги илғор ишчи, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, — чуқур билимга, кенг маданий савияга эга бўлган, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўладиган кишидир. У ўзини ишлаб чиқаришнинг хўжайини деб, жамиятимизда, мамлакатимизда рўй бераётган ҳамма воқеалар учун масъул киши деб ҳис қилмоқда. Бу ишчи сиёсий жиҳатдан актив, бўшашувчилик ва масъулятсизликка, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ҳар қандай нуқсонларга муросасиз қарайдиган кишидир».

Партия идеаллари, коммунизм идеаллари бундай ишчи учун унинг бутун дунёқарашининг моҳияти бўлиб қолди, бу идеаллар унинг юриш-туришини, одамлар билан муносабатларини, умуман бутун ҳаёт йўлини белгилаб беради.

Ана шу фазилатларнинг ҳаммаси ишчилар синфининг ёш авлодини тарбиялаш учун ғоят катта аҳамиятга эга. Партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ишни шундай ташкил қилишлари лозимки, ҳар бир йигит, ҳар бир қиз меҳнат ахлининг роли ва улуғворлигини, ишчилар синфининг тарихий вазифасини равшан тушунадиган бўлсин, унинг шонли отрядлари сафига қўшилишга интиладиган бўлсин.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тез суръатлар билан юксалиб бораётган халқ хўжалигимиз талабларига тўла жавоб берадиган, маҳорати юксак, сиёсий актив ишчи ва деҳқонлар авлодини тарбиялаб воғга етказиш масаласига катта эътибор бериб келмоқдалар. Ҳунар-техника билим юртлари маъмуриятлари кейинги йилларда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг катта ёрдамларига таяниб, ўқув юртларига талабалар қабул қилиш ишини яхши ташкил этмоқдалар, ҳунар мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамламоқдалар. Эндиликда республикамизда инженер-педагог ходимларнинг катта армияси вужудга келди. Янги ўқув планлари ишлаб чиқилди, кўп нусхада дарсликлар ва бошқа қўлланмалар чиқарилди. Билим юртларидаги назарий ва амалий машғулотларни малакали тажрибали педагоглар олиб бормоқдалар. Шунинг натижасида ҳунар мактабларини битириб чиқаётган аксарият ёшлар саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида, қурилиш ва бошқа соҳаларда намунали меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида новаторлар, ишлаб чиқариш илғорлари борган сари кўпайиб бормоқда.

Ленин шу билан бирга, ҳунар-техника билим юртлари ишида, корхона ва ташкилотларда ёш ишчиларга ғамхўрлик қилиш, уларга кўмаклашиш масаласида ҳали камчиликлар бор. Техника мактаблари ва кечки (сменали) ҳунар-техника билим юртлари шоҳчалари секинлик билан ривожланяпти. Кўпгина министрликлар, идоралар, корхона ва оталиқ ташкилотлари ҳунар-техника ўқув юртлари қурилишига етарли даражада эътибор бермаяптилар. Айрим областларда бундай мактабларга ўқувчилар қабул қилиш плани йил сайин бажарилмай келяпти.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўп миллионли ишчилар синфи сафига кўплаб ёшлар келиб қўшилмоқда. Бу ёшларнинг қандай ишлаб кетиши, энг аввало, завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларда уларнинг қандай кутиб олинишига, улар тўғрисида нечоғли ғамхўрлик кўрсатилишига боғлиқдир. Агар устоз-мастер ёш ишчини меҳрибонлик билан қабул қилса, ундаги шу касбга бўлган қизиқиш ва интилишни янада кучайтира олса, шогирд шу ишчи изидан бориб, жамиятга катта наф келтиради.

Устахоналарда касб ўрганаётган ҳозирги йигит-қизлар ватанпарвар, бунёдкор ишчи синфимизнинг давомчилари — ёш ишчилардир. Бугунги ёш ишчи эртага Советлар мамлакатининг ҳақиқий хўжайини, обрў-эътиборли кишиси бўлиб қолади. У бугунги кунда революцион ишчилар синфимиз билан ёнма-ён туриб, ундан ҳаёт дарсини, меҳнат дарсини олмоқда. Ундан Советлар мамлакатига садоқат ва муҳаббатни, ишчи шарафини улуғлашни ўрганмоқда. Эртаги кунда эса улар энг мураккаб станокларни ҳам ўзлари бошқарадилар, механизаторлик касбини улуғлаб, «оқ олтин» тоғларини бунёд этадилар. Шунинг учун ҳам мана шу йигит-қизларнинг малакали, ҳар бир ишга ижодий ёндашадиган мутахассис бўлиб етишишлари, ўқишни битиргандан сўнг эса буюк ишчилар синфи оиласида ўзларига муносиб ўринни эгаллай олишлари, социалистик юртимизнинг оташин ватанпарварлари сифатида камол топишлари учун зарур бўлган ҳамма имкониятларни ишга солиш, уларга ҳамма шароитларни яратиб бериш — партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ва барча хўжалик ва маданий қурилиш ташкилотларининг муқаддас ишидир.

ХУШХАБАРЛАР

ЧИРОҚЧИ. (Қашқадарё области). Яқиндагина қуриб битказилган пахта заводи ўзининг биринчи маҳсулотини берди. Корхона ҳар йили 35-40 минг тонна пахтани қайта ишлайди.

ЗАРАФШОН. Қизилқум марказида қурилган янги шаҳар билан Бухоро ўртасида 60 километр масофага янги телефон линияси тортилди. Кўп каналли аппаратлар Зарафшон шаҳри аҳолисининг бошқа шаҳарлар билан алоқасини анча яхшилади.

ШАҲРИСАБЗ. Машҳур Шаҳрисабз гиламлари тўқиб чиқарувчи «Ҳужум» фабрикасининг коллективи ўзининг бир группа ишчи аёлларини шахсий беш йиллик планларини бажарганликлари билан табриклади. Илғорлар орасида Назокат Қурбонова, Халоват Жалолова, Маҳфират Муҳаммаднева, Ҳабиба Шарипова ва Саломат Носировалар бор. Буларнинг ҳар бири беш йиллик бошланганидан бери 475 квадрат метрдан гилам тўқиб бердилар.

(ЎзТАГ).

Қашқадарё области. Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Чигит экиш мавсумида қатнашаётган ҳар бир деҳқон ва механизатор бажарилаётган ишнинг суръати ва сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Суратда: чигит экиш қизғин бормоқда.

Р. Ҳамидов фотоси. (ЎзТАГ).

БУРЧИМИЗНИНГ ДАЪВАТИ

Партия ва ҳукуматимизнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарорига жавобан чорвадорларимиз беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи босқичи — 1973 йилда оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Ҳар 100 бош совлиқдан 130 тадан қўзи олиш, пландаги 7200 ўрнига 13000 қўзини ўстиришга қолдириш планлашти р л д и. Давлатга 605 тонна гўшт, 15300 дона қоракўл тери, 133 тонна жун етказиб берилади.

Қатор фермалар ва чўпонларимизнинг мажбуриятлари я ҳада катта. Дамин Назаров ҳар 100 бош совлиқдан 220 тадан қўзи олишга, юзига юзтадан қўзини насл учун қолдиришга сўз берди. Нишон Тўхтаев, Хушмурод Қўнғиров, Араббой Тожиев, Ёрқул Раҳмонов, Дамин Жумаев, Мамараҳим Эргашев, Омонтурди Қурбонов каби бош чўпонлар ҳам ҳар юз совлиқдан 200 тадан қўзи олиш, унинг асосий қисмини ўстиришга қолдириш учун курашмоқдалар.

Биз юксак мажбуриятни бажариш кўп жиҳатдан қўзилатиш мавсумини канчалик пухта ва муваффақиятли ўтказишга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Шу мақсадда 20—25 кунлик бу кампанияга ҳар тараффама ҳозирлик кўрдик. 32 та отар бўйича муҳим тадбирлар белгиладик. Қўзилатиш даврида чўпон-чўлиқларга ёрдам бериш учун активлардан 150 киши ажратдик.

Ўстиришга қолдирилган қўзиларни яхши боқиш, касалликларга чалинмаслиги учун участка ветеринария врачи, ветеринария техникларини отарларга бириктирдик. Уч ва ўн кунлик қўзиларни алоҳида парваришлиш учун иссиқ хоналар ажратдик. Майдаланган хашак ва беда унидан кўп миқдорда озуқа жамгардик.

Совхозимизда қоракўл қўйларнинг насли йилдан-йил яхшиланмоқда, маҳсулот сифати кўтарилмоқда. Ҳозир қобирғасимон ясси типидаги қоракўл тери етиштирятмиз. Бу соҳада бизга олимларимиз кўмаклашмоқдалар. Самарқанддаги Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтининг олими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М. Кошеева хўжалигимизга тез-тез келиб туради. Терининг сифатини яхшилашда мутахассислар беради. Биз ўтган йили давлатга топширилган барча қоракўл терининг 93,5 процентини биринчи сорт бўлишига эришиб, ундан катта моддий манфаат кўрган эдик. Хўжалигимиз чорвадорлари бу йил тери сифатини янада юкори кўтаради, камида 95 процентини биринчи сортга топширади.

Қоракўл терини сифатли тайёрлаш учун пухта ҳозирлик кўрдик. Марказлаштирилган қўзи сўйиш пункти ишлаб турибди. Тажрибали қўзи сўювчилар ажратилиб, семинар-кенгаш ўтказилди. Терини қуритиш ва тузлаш учун жойлар ҳозирланди. 60 тонна туз сотиб олинди. Биз ўтган йили ҳар бир қоракўл терини 18 сўмга сотган эдик. Бу йил 15600 дона қоракўл терини яхши қуритиб ва тузлаб давлатга топшириб, катта соф фойда оламиз.

Ҳар йилгидек совлиқлардан кўп эгиз олиш ҳисобига отарлар сони ортади. Шуни ҳисобга олиб, ўнинчи синфни битирган беш йигитлардан янги чўпонлар тайёрлаётирмиз. Уларни тажрибали чўпонларга бириктиб қўйдик.

Совхозимиз коллективи орасида 21 та чорва устаси деган унвонлик чўпон бор. Улар ўтган йили энг яхши кўрсаткичга эришиб, 34 минг 686 сўм пул ва 338 бош қўзини қўшимча мукофот тариқасида олган эдилар. Бу йил илғор чўпонлар сафи янада кўпаяди.

Шу кунларда отарлар ва фермаларда бўлган киши қўйчиволарнинг бунёдкорлик меҳнатига тақсинлар ўқийди. Бош чўпонлар, уларнинг ёрдамчилари, жамоатчилик вакиллари кеча-кундуз, отарлардан нарига кетмаётирлар. Совлиқлар қўзилаяпти, тажрибакор кишилар соғлом, насли қўзиларни саралаб, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга ажратяпти. Биз давлатга қоракўл тери топшириш планини сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажарамиз, айни кезда ўстиришга ҳар йилдагидан кўп қўзи сақлаб қоламиз, озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

А. ЭШМУРОДОВ,
Самарқанд область Пастдаргом районидаги «Улус» совхозининг директори.

ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида чигит ва маккажўхори экишнинг борыши тўғрисида шу йил 9 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — бажарилиш процанти, тўртинчи стун — маккажўхори экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи стун — бажарилиш процанти.

Наманган	42148	31,5	8712	54,2
Сурхондарё	39099	31,0	6681	67,3
Андижон	51138	27,7	8728	97,2
Фарғона	37510	19,9	9615	41,6
Сирдарё	40420	17,6	13734	74,0
Тошкент	19744	14,1	12616	58,3
Бухоро	13715	8,9	6792	40,6
Қашқадарё	9466	8,7	5565	46,9
Самарқанд	8390	4,8	5990	30,7
ҚҚ АССР	192	0,2	50	0,3
Хоразм	64,	0,06	498	4,2
Республика бўйича:	261886	15,7	78981	44,5

ПИЛЛАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

ТЕРМИЗ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Бу йил баҳор эрта келгани туфайли тут дарахтлари ҳам одатдагидан 8-10 кун олдин барг ёзди. Бу пиллачиларни ташвишга солиб қўйди. Ипак қуртлари боқишга ҳозирлик ишлари ҳамма жойда қизғин бошлаб юборилди.

Ўтган йили давлат планини анча ошириб бажарган Сурхондарё пиллачилари бу йил она-Ватанга 760 тонна «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шу муносабат билан кўпчилик хўжаликлар уруғни жонлантирадиган инкубаторлар тайёрлаш ва қуртхоналарни ремонт қилиш, янги бинолар қуриш, печка ва ўтин ғамлаш, сўкчаклар ҳозирлаш, иморатларни сувоқ қилиш, оқлаш ва электрлаштириш, дизенфекция қилиш каби муҳим ишларни бошлаб юбордилар.

Областдаги 115 инкубатордан 90 дан кўпроғи тайёр қолга келтирилди. Ипак қуртлари боқишга тайёргарлик ишлари, айниқса Жарқўрғон, Термиз, Шеробод ва Денов районларида қизғин тус олиб кетди. Бу йил область пиллачилари 15 минг қути қурт уруғининг ҳар қутисидан камида 55 килограммдан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бунинг учун ипак қуртларининг озуқа базаси ҳисобланган тут дарахтларини парвариш қилиш ҳамда озиқлантириш ишлари авж олдирилди. Жойларда пиллачилик кадрлари танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, звенолар тузиш каби муҳим масалалар ҳам зудлик билан ҳал этилмоқда.

А. ХАЛИЛОВ.

Н. В. ПОДГОРНИЙ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 7 апрелда Москвага қайтиб келди. У Финляндия Республикаси президентининг таклифига биноан расмий визит билан Финляндияга борди, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет — Финляндия Шартномасининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Ю. В. Андропов, М. С. Соломенцев, И. О. Капитонов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари А. М. Қиличев, М. А. Яснов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков ва Е. С. Насриддинова, СССР министрлари А. А. Гречко, Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев, Н. А. Шчелоков ва бошқалар Н. В. Подгорнийни Внуково аэродромида кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида Финляндия Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Бьерн-Олоф Георг Алхолм бор эди.

Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб борган иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР мудофаа министрининг ўринбосари И. Г. Павловский, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Ленинград обкомининг биринчи секретари Г. В. Романов ҳам у билан бирга Москвага қайтиб келишди.

(ТАСС).

Нурота районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхоз яйловларида 25 минг бош совлиқ парвариш қилинмоқда. Қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказаётган совхоз чорвадорлари ҳар юз бош совлиқдан 163 тадан қўзи олиб, унинг 102 тасини ўстиришга қолдирмоқдалар. Суратда: совхознинг бош чўпони Абдулла Ҳамроев яйловда.

А. Тўраев фотоси.

СОВЕТ—ИРОҚ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет Иттифоқи билан Ироқ ўртасида тузилган шартноманинг бир йиллигига бағишлаб, 9 апрелда Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтида ишлаётган ва таълим олаётган бир группа Ироқ гражданлари қатнашдилар. Бағдод университетининг профессори Бакир Муҳаммад Самека, экономика институтининг аспиранти Фуад Зевар ога ва медицина билим юртини битириб чиққан Кадум Хошим ар-Раммаҳий янги турмуш қуришда Ироққа дўстона ёрдам бераётганликлари учун Ўзбекистон меҳнаткашларига, барча совет кишиларига қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Тошкент жамоатчилиги вакиллари Бағдодга, Ироқ — Совет дўстлиги жамиятига табрик телеграммаси йўлладилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ, РАЙОН, ШАҲАР, ПОСЕЛКА, ҚИШЛОҚ ВА ОВУЛ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари XIII чақириқ область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари депутатларининг ваколат муддати тугаганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Республика меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов 1973 йил 17 июнь якшанба куни ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1973 йил, 9 апрель.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қарорини амалга оширамиз

ГИГАНТНИНГ ТУҒИЛИШИ

«Маблағлар ва моддий ресурсларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилмасин. Бутун куч-ғайрат илгари бошлаб қўйилган қурилишларни имкони борича тезроқ тугаллашга, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлашга қаратилсин».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қароридан).

Бу ерлар илгари Батош, Сариқбатоқ номлари билан аталар эди. Энди қисқагина қилиб «Комбинат» дейишади. Бу ерда гигант қурилиш индустрияси қад кўтаради.

— Энг масъулиятли дамлар келди, — деб ҳикоя қилади қурилиш бошлиғи Владимир Александрович Ларин, — биринчи кварталда қурилиш материаллари комбинати билан қурилиш индустрияси составига кирган темир-бетон конструкциялари заводининг биринчи навбатини давлат қабул комиссияси қабул қилиб олади. Келгуси йилдан бошлаб эса корхона тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Владимир Александрович Ларин нўлининг қалдирғочларидан. Тоғликет қурилишларида тобланган инженер 1963 йилдан бошлаб Дўстлик посёлкасини қуришга киришди. Сўнг уни комбинат қурилишига раҳбарлик қилишга тайинлашди. Коммунист В. Ларин одамларнинг қалбига йўл топиш санъатини мукаммал эгаллаган командирлардан. Шунинг учун ҳам у раҳбар бўлган қурилиш одамларн камол топмоқда, обрўли бўлиб, эл оғзига тушмоқда.

Қурилиш бошланғидан комбинатнинг халқ хўжалигида тутган ўрни, Қарши даштини ўзлаштиришдаги роли ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Қарши даштини ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи дамлари бошланди, — деб сўз бошлади у, — тўққизинчи беш йиллиқнинг учинчи йилида «Каршистрой» коллективи 101,5 миллион сўм ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажаради. Оатита пахтачилик совхозларини қуриб битказади. 1974-1975 йилларда 85 минг гектар қўриқ ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилиб, унда 100 минг тонна нўл дурдонаси етиштирилади. Шу йилнинг ўзида дастлабки 1000 гектар қўриқ ерга илк бор чигит қадалади.

Капитал қурилиши ишларини кенг кўламда олиб бориш учун эса қурилишнинг ишлаб чиқариш базаси бўлиши керак. Ана шунга кўра Қарши шаҳрида бундан олти йил илгари қурилиш материаллари комбинати ва қурилиш индустрияси бунёд этишга киришилди. Қурилишни амалга оширишнинг вазифаси 4- механизациялашган кўчма колонна коллективи зиммасига юклатилди.

Чиндан ҳам Қарши даштини ўзлаштириш ва суғориш ишлари комплексини комбинатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Комбинат составида авторемонт, темир-бетон конструкциялари, ёғочни қайта ишлаш, металл конструкциялари заводлари ташкил этиладиган вақт ҳам узоқ эмас. Бу гигант Ўрта Осиёдаги энг йирик қурилиш индустрияси бўлиб, унда 10 минг киши меҳнат қилади. Комбинат қурилиши учун давлат 40 миллион сўм капитал маблағ ажратди. Унинг территорияси юз гектар майдонни эгаллайди.

Бугунги кунда бу ерда бош пудратчи ролида меҳнат қилаётган 4- механизациялашган колоннадан ташқари «Ирмонтажстрой» трестининг ҳам учта ихтисослашган қурилиш ташкилотлари ишламоқда. Ноёб ускуналарни Каунас, Баку, Киев, Ленинград ва Совет Иттифоқининг бошқа ўнлаб шаҳарлари юбориб турибди. Лойиҳаларни эса Москва шаҳридаги иккинчи давлат лойиҳалаш институти тайёрлаб берябти. Металл конструкциялари, темир бетон маҳсулотлари ва бошқа материаллар ҳам қардош республикаларнинг металлургия, темир-бетон, цемент комбинати ва заводларидан келтирилмоқда. Масалан, цемент Қозоғистон ва Тожикистон ССРдан, ёғоч материаллари Иркутск ва Кемерово областларидан олинаётган бўлса, Тошкосдан шағал, Тошкентдан кабел маҳсулотлари юборилмоқда. Совет Иттифоқининг ўнлаб область ва шаҳарларидан келган мутахассислар комбинатни бунёд этишда фаол иштирок этишяпти. 18 миллат вакиллари кечаю-кундуз тинимсиз тер тўкишяпти.

Қурувчилар бугунгача анча ишларни амалга ошириб қўйишди. 1000 та ер қазиш техникаси ва 1000 дона двигателни ремонт қилиш қувватига эга бўлган авторемонт заводи, 500 машинага мўлжалланган автобаза, электр подстанция, 23 километрли электр тармоқлари ва бошқа кўпгина объектлар фойдаланишга топширилди. Навбатдаги фойдаланишга топириладиган зарбдор қурилиш — темир-бетон конструкциялари заводидир. Бу қурилишни ниҳоясига етказиш барчанинг диққат эътиборида турибди. Негаки, 1973 йилда чўлда янги совхозлар, саноат корхоналари, посёлкалар, ирригация объектлари қуриш учун 185 минг кубометр темир-бетон конструкциялари ишлатилади. Бу ўтган йили ишлатилган темир-бетон конструкцияларидан 3,5 баравар кўпдир. Бундай ҳажмдаги қурилиш материалларини бошқа шаҳарлардан ташиб келтиришнинг биринчидан ҳожати йўқ, иккинчидан қимматга тушади.

Хўш, завод фойдаланишга топширилгач, муаммолар ҳал бўладими? Керакли ҳажмдаги маҳсулотни етказиб бера оладими? Ҳа, завод тўла қувват билан ишга тушгач, бир йилда 470 минг кубометр темир-бетон конструкцияси, 170 минг кубометр силикальцит блоклари, 77 минг кубометр бетон қоришмаси ишлаб чиқариладиган бўлади. Унинг биринчи навбати ишга туширилганда бир йилда 85 минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти туғилади.

Комбинат бунёдкорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорини зўр маннуният билан кутиб олишди ва унга амалий иш, фидокорона меҳнат билан жавоб беришга отландилар. Шу кечакундузда заводнинг бош корпуслари, тайёр материаллар базаси, бетон узели, компрессор ва бўғхона синфари объектларида 750 мутахассис фидокорона меҳнат қиляпти. Ҳар куни қаби бирлан 18-20 минг сўм ҳажмдаги монтаж, ускуна созлаш каби қурилиш ишлари бажарилябти.

Бош пудратчи 4- механизациялашган кўчма колонна коллективида, «Карширимонтажстрой» трестининг 1, 33, 45-механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқа ёрдамчи ташкилотларнинг барчасида участка ва бригадаларарО ҳал қилувчи йил социалистик мусобақаси намунали ташкил этилган. Ишт терувчилар, бетонни ва арматурачилар, дурадгорлар, ҳуллас, ҳамма зиммаларига оширилган шаҳсий мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

Социалистик мусобақада «Каршистрой» партия комитетининг бюро аъзоси, 4- механизациялашган кўчма колоннанинг коммунистик меҳнат зарбдори Мели Ҳакимов бошлиқ комплекс бригада аъзолари пешқадамлик қиляпти. Улар компрессор бўлими, бўғхона, тайёр маҳсулотлар базаси ва бошқа корпусларнинг томларини ёпишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Бунёдкорлар уч марта колоннанинг кўчма вимпели ва пул мукофотини олишга сазовор бўлишди. Шунингдек, СССР Олий Советининг депутати Анвар Жалилов бошлиқ гишт терувчилар бригадаси, «Промжилстрой» трестининг 8- механизациялашган кўчма колоннаси коллективлари ҳам ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиб, иш унумини кун сайин оширмоқдалар, мусобақада бошқалардан ортда қолишмаяпти.

Лекин қўлга киритилаётган ютуқлар соясида камчиликлар ҳам бор. 85 минг кубометр темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган қувватларни фойдаланишга топширишнинг охирги муддати — ўтган йилнинг декабрь ойи деб белгиланган эди. Амалда эса завод комплексидаги биронта бўлим, цех корпус ва участкалар белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади. Бўғхона, компрессорлар бўлими, инженерлик коммуникациялари, ишлаб чиқариш корпуслари, материаллар омбори ва бошқа участкаларда ҳам монтажлаш, сувоқ ва буёқ ишлари ниҳоясига етказилмай қолди. Қаердадир, кимларнингдир айби билан объектлар давлат қабул комиссиясининг баҳосига тавсия этилмади. Тўғри, бутун йил бўйи деярли ҳар куни бажарилмаган ишлар рўйхати гузилди, лекин ишда кескин бурилиш кўзга ташланмади.

Бунинг объектив сабаблари бор, албатта. Қурилиш комплексига кирган объектлар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва технологик ускуналар вақтида етказиб берилмади. Шу боисдан ўтган йилнинг июль-август ойларида қуриб тугалланган объектлар ишга тушмасдан қолди. Бу аҳволни шарҳлаб бериш учун биз қурилиш бошлиғи В. Лариндан илтимос қилдик. У қуйидагича жавоб берди: —«Каршистрой» бошқармаси раҳбарлари гигант комбинат қурилишини тезроқ тугаллаш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Ўтган йил июль ойидан бошлаб «Промжилстрой», «Водстрой» трестлари ҳам шу объект қурилишига сафарбар этилган, Бироқ, 7- қурилиш дирекциясининг айби билан бутун қурилиш комплексининг бир маромда олиб борилишига путур етди. Жумладан, компрессорлар бўлими сентябрь ойидаёқ қўлдан чиқарилиши керак эди. Шунингдек, ускуналар комплектлаштирилмаганлиги туфайли қатор коопуслардаги ишлар ҳам ниҳоясига етказилмади. Шу нарса ажабланарлики, устига-устак баъзи объектлар учун ускуналар 1973 йилга заказ қилинган ва лойиҳа-смета ҳужжатларида кўпгина ишлар ҳисобига олинмаган экан. Уларнинг сифати ҳам талабга тўла жавоб бермайди...

Улкан иншоот қурилишида иштирок этаётган барча қурилиш ташкилотлари, қурилиш дирекцияси, лойиҳалаш институтлари коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, чўлқуварларга конкрет ёрдам берсалар, корхонани тезроқ битказиш чорасини зудлик билан кўрсалар айни муддао бўлур эди.

Рўзи УРОҚОВ,
инженер.

«Ташхимсельмаш» заводи коллективи ишлаб чиқараётган «ОВХ-ОПХ-14» маркали пуркагич мосламалар қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қаршн курашда кенг қўлланилябти. Суратда: (чапда) корхонанинг пешқадам бўёқчи — ишчиси Зоя Пошнина янги маҳсулотга пардоз бермоқда. Унгдаги суратда: «Узсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба-ремонт механика заводининг илғор слесари Николай Писчасовни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ГУЛ ҚЎШИҒИ

Гуллар ҳидин сочар ҳар нафас,
Дилим хушлар гул таронаси.
Юртимда мўл севинчу ҳавас,
Ҳаммаёқда баҳор нафаси.

Ватанимиз тенги йўқ нўрнам,
Гул нўҳлиги нўчмишдир гўё.
Баҳор атмиш бунда сепин жам,
Гул жилвасин олмиш ҳар гиё.

Ҳарён гулгун, гулзори олам,
Қайга боқмай, бурканган гулга,
Эъзоз этиб гулни ҳар одам
Унинг атрин симирар дилга.

Боғда турфа гуллардан шийпон,
Борлиқ кийган гуллардан либос.
Худди гулден жилокор ҳар тонг,
Таърифига тополмам қиёс.

Гул ишқидан навою қўшиқ,
Гул ишваси қизлардаги ноз.
Гул висолин ардоқлар ошиқ,
Ҳар саҳарда кўлга олур соз.

Шу гул, шу нўри, шу зеб нўйида
Юрак завқ-ла жўшгани-жўшган,
Сўлмас, сўлим гуллар нуйнга
Қайноқ нўшиқ қўшганим-қўшган.

САМОВОТ

Ер ўғли садосин тингла, самовот,
Нега лолсан, нечук сенда
сокинлик!
Бунчалар ийманиб боқма, коннот,
Тафаккур олими қилмиш ҳокимлик!

Кўрдингми, тафаккур қудратни,
кучин,
Одамзод шу қадар муқаддас, улуг,
Билсанг, бу заминда туғилган
учун,
Худди шу заминдан мўътабар,
қутлуг!

Қучоғингга етди мардона қадам,
Сени лол қолдирди бу ер
фарзанди.
Бағрингда сайр қилди, забт этди
одам,

Сен маҳкум,
инсончи, ҳукмрон энди.
Замин фазилати, нафомати бу,
Одам азизлиги, афзаллиги ҳам.
Замин шарофатин аломати бу,
Ақлу заковатнинг гўзаллиги ҳам.

Ернинг улуғлиги чиндан
ҳақиқат,
Ерда кўзин очган эмасми, Ленин!
Кинднк қони томган шу ерга
фақат,
Шу ердан нур сочган эмасми,
Ленин!
Ленин ер фарзанди, шу замин
ўғли.
Инсонга таслимдир юлдузларинг
ҳам.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

КОМАНДИРОВКА

ФЕЛЬЕТОН

Командировкага жўнашимни эшитиб, мендан кўра хотиним кўпроқ ҳаяжонланарди. Гўё узоқ вақт фирокда яшашга юборайётгандек елиб-югуриб хизмат қилар, соямга кўрпача солишга тайёр эди. Оғзидан бол томишини айтмайсизми!

— Ҳой, адасижон, бегона жойларда ғижимланган кўйлак кийиб юракўрманг-а, даструмолингиз ҳам қиндчасидан бўлсин. Яхшиси, мана шу духобани портфелингизга солиб олинг. Атайин кетишингизга атаб мана шу қўлгинам билан ўзим тикдим-а. Туфлигингизга гард юқмасин. Кўйлакларни ўзим алоҳида меҳр билан жойладим. Лекин йўл-йўллигини қилади. Эшлиши турган гап. Меҳмонхонада навбатчи аёлларга икки оғиз ширин гап қилсангиз, яхшилаб дазмоллаб беришади. Айтгандай, сочингизга эрта билан ҳушбўй мой суришни эсдан чиқарманг. Сизга атаб олиб кўйган мана бу тароққинада бир тараб қўйсангиз, кечгача сочингизнинг «таки» бузилмайди. Ҳа, эсгинам қурсин, одеколони ўнча ёқтирмайсиз. Лекин командировкада уни ишлатганингиз маъқул. Ўзим сизга атаб «Совга» магазинидан олиб келдим. Йўқ, деманг, хафа бўламан.

Вучалик меҳрибончиликдан бошим кўкка етиб, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Таъсирланиб кетганимдан имо-ну шундай иззат-икром билан жўнатяпти, бунга нима билан жавоб қайтарсам экан, деб ўйланиб қолдим. Маликаи дилоромга юзландим:

— Хоним, аслида бунчалик илтифотнинг кераги ҳам йўқ эди. Аммо сиз шуни менга раво кўрибсиз, қатта раҳмат. Эвазига нима истайдилар?

— Жуда ғалатисиз-да,— деб жавоб қайтардилар хоним оғизларидан бол томиб, — сиқат-саломат келсангиз, шунинг ўзи бас. Энди кўнглингиз бўлмаса, ҳимматингиз билан. Ахир, қаерга — Тошкентдай шаҳри азимга нетяпсиз. У ерда нималар бор-у, нималар йўқлигини мендан кўра яхши биласиз. Нима десам экан, ҳа, қўшнимиз Акромжоннинг хотини Пўлатой гули ўзидан чиқарилган шерст кўйлак кийибди. Гавдаси миқти эмасми, бирам ярашибдики... Ҳавасим келиб мен ҳам кийиб кўрган эдим, худди ўзингизникига ўхшайди, деса бўладими. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Нима, менинг ундан кам жойим борми. Жон адаси, ошнаогайниларингиз қалашиб ётибди-ку, бир дона шундай кўйлакдан олиб келсангиз... Бултур ёзда уйимизга Баҳромжонлар келгани эсингиздами? Ўшанда Мавлудахон бирам ажойиб соябон тутиб келган эди-я. Ҳатто ўзингиз ҳам ҳавас қилган эдингиз.

Гапни шу ерда тўхтатишга қасд қилиб, хотинимнинг айтганларини ён дафтаримга ёзиб қўймоқчи эдим, маликаи дилоромнинг кўнгил дафтари яна очилиб кетди:

— Қани энди, дунёдаги ҳамма эрлар ҳам сиздақа меҳрибон бўлса, хотин зоти сира-сира қаримаган бўларди.

Хом сут эмган бандаман-да, ҳимматим минг чандон ошиб кетди. Шу пайтда ёнимда юз минг сўм пулим бўлганда ҳам хотинимнинг бошидан сочишга тайёр эдим. Ён дафтарим шу тариқа тўлгандан тўла борди. Бир маҳал қарасам, харид қиладиган нарсаларим келинга юориладиган тўй сарполарига етиб қолибди. Ўзимни ушлаб келганга соляк, хомуза тортмаганимда, билмадим, рўйхат қанча давом этарди.

Юрагимнинг аллақаери узилгандай бўлиб командировкага жўнадим. Аслида, тракторларга эҳтиёт қисмлар масаласида келган эдим. Бошлиқ мени саминий кутиб олди. Шу пайт телефон жиринглаб қолса бўладими. Ҳамсуҳбатим бир дақиқа сабр қиласиз, деган маънода менга имо-ишора қилиб, трубкага юзланди. Қайси кўз билан кўрайки, шундай қаршимдаги диванда икки аёл шивирлашиб бир-бирига нималарнидир уқтирарди. Қизиқувчан одам эмасманми, қулоғим динг бўлди. Тушни ўнгидан келган одам ўзини қандай тутади: мен ҳам шундай ҳолга тушдим. Бояги аёллар худди менинг фикримни билиш-гандай қандайдир гули ўзидан чиқарилган шерст кўйлак ҳақида баҳслашишарди. Бахтимни қарангки, аёллардан бирига кўйлак тўғри келмай қолибди. Нима қилардим, бошлиқни ўз ҳолига кўйиб, аёллар суҳбатига аралашдим. Хонимнинг биринчи топшириқларини бажаришга муваффақ бўлдим!

Бир маҳал қарасам, нариги хонада шовқин кўтарилди. Қулоғимни динг қилганча ҳаллослаб етиб бордим. Бахтимдан ўргилай, иккинчи топшириқ ҳам бажариладиганга ўхшаб қолди; Ҳавохон деган исми жисмига муносиб жувонга кечагина харид қилган соябон ёқмай қолибди. Аммо унга ёқмаган матохга ўнга яқин харидор чиқибди. Меҳмонлигимни пеш қилиб, унга эга чиқдим.

У кабинетдан бу кабинетга, бу кабинетдан у кабинетга ўтиб, уч кун қандай ўтиб кетганини билмай қолдим. Бу орада бошлиқ ҳам қаергадир командировкага жўнаб қолибди. Нима қилай: командировкамнинг муддати тугаган, чўздирай десам, ишхонадагилардан уяламан: ахир, айтишмайдими, арзимаган ишни ўз вақтида битиролмабсан деб. Кўзимни чирт юмиб, командировка ҳужжатининг «келди, кетди» графаларига имзо чекдириб, муҳр қўйдирдим.

Бир олам қувонч билан уйга қайтаётирман. Хоним берган топшириқларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим: ҳаммаси беками-кўст бажарилган. Лекин негадир юрагим гаш. Бир нимани эсдан чиқарганга ўхшайман. Ие, асосий мақсад эсдан чиқибди-ку! Эҳтиёт қисмлар нима бўлади? Ҳаҳ, шунга ҳам ота гўри-ю, қозихонами? Бошлиқларга бир амаллаб баҳона қиларман. Аммо хотинимнинг топшириқларидан бирортаси бажарилмай қолганида нима бўларди?

А. НАБИХЎЖАЕВ.

СОЛДАТ ХАТЛАРИДАН САТРЛАР

◆ Яқинда қисмимизда ҳарбий, сиёсий ва жисмоний тайёргарлик бўйича кўрик бўлиб ўтди. Кўрикда сержант Сайдали Эшалиев командирлик қилаётган бўлим олдинги маррани эгаллади. Илғор бўлим командири С. Эшалиевга кўмондонлик томонидан раҳматнома эълон қилинди.

О. АҲМАДАЛИЕВ.

* * *

◆ Муҳаммаджон Мадаминов Фарғонанинг Бешкапа қишлоғидан армия сафига чақирилган. У армияга кетгунча шу қишлоқда ишлаган эди. Ҳозир Муҳаммаджон лаззатли таомлар пишириб, ўз қуроллошларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Уни солдатлар қўли гул ошпаз дейишларининг боиси ана шунда.

А. ҲАТАМОВ.

* * *

◆ Қисмимиз солдатларини 40 хил ҳунар эгалари дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир жангчи бир неча касбни эгаллаган. Абдуғани Холмирзаев дурадгор-бетончилик касбини ҳарбий хизмат даврида ўрганди. Ҳозир у бу касб сирларини бошқаларга ўргатмоқда. Абдуғани раҳбарлик қилаётган дурадгор-бетончилар бригадаси кунлик иш нормаларини 115-120 процент бажармоқда. Бригада аъзолари қисмларарО социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлдилар. Бу, уларни ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда, меҳнатда янги муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда.

Ҳ. ШУКУРОВ,
А. МЕЛИЕВ.

* * *

◆ Бизнинг қисмимизни интернационал қисм дейишади. Чунки қисмимизда турли миллат фарзандлари хизмат қиладилар. Улар бир ота-онанинг фарзандидек аҳил ва иноқ яшашади. Бирга меҳнат қилишади. Ўзларининг Ватан олдидаги шарафли бурчларини ёнма-ён туриб адо этадилар. Уларнинг шиори: Ватан учун чин юракдан хизмат қилишдир. Дўстлик туфайли улар қиёнчиликларни енгмоқдалар, ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришаётирлар. Улар бир-бирларига устоз, бир-бирларига шогирд.

Яқинда бўлиб ўтган кўрикда қисмимиз солдатлари ўз ҳарбий маҳорат ва билимларини намойиш қилдилар. Бунда сержантлардан Ҳикмат Бўтабоев, оддий солдат Раҳмат Сандовларнинг ҳиссаси катта.

А. ҲАКИМОВ.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан, С. Оғалиқов, Э. Оллоёров, М. Маъмуров, Э. Хушвақтов, Э. Сатторов, Ю. Маликов, М. Сиддиқов кабиларнинг редакциямизга йўллаган хат ва хабарларида она-Ватанимиз посбонларининг жанговар ва сиёсий тайёргарликда эришаётган муваффақиятлари мадҳ этилади. Уларнинг меҳнатда қўлга киритаётган ютуқлари ҳикоя қилинади.

Бугун—чақирилувчилар куни

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Совет Армияси сафида хизмат қилиш — ҳар бир йигитнинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчидир. Бугун республикамизда Совет Армияси сафига чақирилувчи ёшлар куни ўтказилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз М. Мирзамуҳамедова Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети раёсининг ўринбосари подполковник А. Мамажоновга бир неча саволлар билан мурожаат қилди. Қўйида ушбу суҳбатни босаётирмиз.

— Республика ДОСААФ ташкилотлари ёшларни армия хизматига тайёрлаш соҳасида қандай иш олиб бораётганлиги ҳақида сўзлаб берсангиз.

А. МАМАЖОНОВ: Кейинги йилларда республикамиз ДОСААФ ташкилотлари меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли орасида ҳарбий билимларни пропаганда қилиш, ёшларни Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёрлаш, техник спорт тўгаракларига жалб этиш ишларини анча яхшиладилар. Бу соҳада маълум ютуқларга эришилди. Юбилей йилида ўтказилган мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Бу муваффақиятларга партия ва совет ташкилотларининг доимий раҳбарлиги, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар, «Билим» жамияти, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси ва ҳарбий қисмлар билан мустаҳкам алоқа боғлаганлигимиз туфайли эришдик.

Ёшларнинг Ватан учун бўлган жанглар қаҳрамонлари билан учрашувлари, турли кечалар, революция, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб юришлар ёшларни Совет Армиясига тантанали кузатиш маросимлари, лекция ва суҳбатлар, ҳарбий ватанпарварлик клублари иши, телевизор ва радио орқали берилаётган эшиттиришлар каби иш формалари тобора кенгаймоқда.

Ўтган йили ҳарбий ватанпарварлик темасида 52 минг 371 лекция ва суҳбат, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Ватанимиз учун бўлган жанг иштирокчилари билан 13659 учрашув ўтказилди. Комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда революция, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига 1372 юриш ўтказилди. «Зарница», «Орлёнок» каби ҳарбий ватанпарварлик характерига эга бўлган ўйинлар ташкил этилди.

— Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иши қаерларда яхши йўлга қўйилган!

— Фарғона, Наманган, Тошкент областларидаги ДОСААФ ташкилотлари бу соҳада яхши натижаларга эришаётирлар. 12 та бошланғич ташкилот «СССР ДОСААФининг фахрий нишони» билан мукофотланган. Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз ва 47-мактабнинг бошланғич ташкилоти, Фарғона областидаги Марғилон ипак комбинати, Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари институти, Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, Намангандаги «Пятилетка» фабрикаси ва қишлоқ хўжалик техникуми, Уйчи районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бошланғич ташкилотлари ана шулар жумласидандир.

Самарқанд шаҳар ДОСААФ комитети ҳам бу соҳада катта иш олиб бормоқда. Ҳарбий билимларни пропаганда қилиш бўйича штатсиз бўлим ташкил этди. Бўлимга запасдаги ва истеъфодаги офицерлар жалб этилган. Улар ҳарбий ватанпарварлик темасида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Чақирилувчи ёшлар билан учрашувлар ташкил этдилар. Брест қалъаси қаҳрамонлари билан чақирилувчи ёшларнинг учрашуви ўтказилди.

Сирдарё область ДОСААФ комитети, область комсомол комитети, область касаба союзлари Совети, ҳарбий комиссариат, граждан мудофаси штаби, маданият бўлими, «Билим» жамияти, халқ маорифи органлари билан ҳамкорликда «Ҳеч ким унутилмайди, ҳеч нарса унутилмайди» шиори остида шон-шуҳрат йўли бўйлаб юришлар ташкил этди. Юриш иштирокчилари Гулистон, Боёвут, Зомин, Жиззах, Пахтакор, Сирдарё районларида бўлдилар.

Айрим ДОСААФ комитетлари бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг янги формаси — «Қани, йигитлар» спорт конкурсидан фойдаланмоқдалар. Наманган шаҳрида икки марта, Янгийўл шаҳрида уч марта ана шундай конкурс ўтказилди. Бу конкурс ёшлар орасида машҳур бўлмоқда. Янгийўлда ўтказилган конкурсда чақириқ ёшигача ва чақириқ ёшидаги йигитлардан иборат 11 команда иштирок этди.

— Ёшларга қайси мутахассисликлар ўргатилаётир!

— Чақириқ ёшидаги йигитларга автомобиль ҳайдаш, электромеханиклик, радиотехниклик ва бошқа касблар ўргатилмоқда. Автомотоклуб, радиоклуб, денгизчилар мактаби, техник тайёргарлик мактаби ва авиация спорти клублари ишлаб турибди. Улар ёшларнинг севимли жойига айланмоқда.

Ёшлар спорт билан кўпроқ шуғулланмоқдалар. Бу уларнинг жисмоний чиниқишларига, соғлом бўлишларига ёрдам бераётир. Кўплаб спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Республикамизда ўтказилаётган оммавий мусобақаларда ДОСААФ аъзоларининг учдан бир қисми қатнашяпти.

Лекин ҳамма ерда аҳвол бир хил эмас. Қашқадарё области ва Қорақалпоғистон АССРдаги бошланғич ташкилотларимиз фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига етарли эътибор берилмаётир. Бу соҳадаги янги форма ва методлардан кенг фойдаланилмайди. Биз ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она-Ватанимизнинг муносиб посбонлари бўлиб етишишлари учун бутун куч ва имкониятларни ишга солишимиз лозим.

НИКОЛАЙ Иванович Чернов республика ДОСААФнига қарашли автомотоклубда бир неча йилдан буён ёшларга шоферлик касбини сидқидилдан ўргатиб келаётир. Суратда: клуб аъзоларидан (чалдан) Ю. В. Польша, К. Б. Долимов, ўқитувчи Н. И. Чернов, С. И. Кулинов, А. А. Исломов ўртоқлар машина қисмларини кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

ЯНГИ ГИДРОСТАНЦИЯ ҚУРИЛМОҚДА

БУХАРЕСТ. Руминиядаги Олт дарёсида бир неча гидроэлектростанциялар қурилмоқда. Ҳозир шу станциялардан тўртинчиси қурила бошланди. 48 минг киловатт қувватга эга бўлган бу янги станция уч йилдан кейин ишга туширилади. Гидростанция тўғони олдида янги сув омбори барпо этилади.

Олт дарёсида ҳаммаси бўлиб жами бир миллион киловаттдан кўпроқ қувватга эга бўлган 31 та гидроэлектростанция қурилади. Бу гидростанцияларнинг сув омбори 3 минг гектардан кўпроқ ерни сув билан таъминлашга, дарё сувининг оқимини ва унинг ирмоқлардаги сувларнинг оқимини самарали тартибга солиб, тахминан 65 минг гектар ерни вақти-вақти билан бўлиб турадиган сув тошқинларидан сақлашга имкон беради.

РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИГА ТАЙЕРГАРЛИК

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикасида саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган биринчи республика кенгашига тайёргарлик кўрилмоқда. Монголиядаги корхоналарда 30 мингдан кўпроқ цех ва бўлимлар маҳсулот сифатини яхшилашга доир конкрет мажбуриятлар олишди. Социалистик мусобақада бу проблемага тобора катта эътибор берилмоқда. Ишлаб чиқариш коллективларининг кўплари «аъло сифатли маҳсулот берувчи коллектив» номини олиш учун курашга қўшилмоқда.

ПОЙАФЗАЛ «УНИВЕРСАЛИ»

ПРАГА. Шахтёрлар шаҳри Карвинда Шимолий Моравия областида ўз-ўзига хизмат қилиш асосида пойафзал билан савдо қиладиган биринчи фирма магазини очилди. Бу магазин «Свит» ишлаб чиқариш бирлашмасидан хилма-хил пойафзаллар олиб турибди, Янги магазиннинг саҳни 950 квадрат метрга яқин. Савдо залидаги очиқ стендларга ва жовонларга қўйилган хилма-хил пойафзалларни харидорлар ўзлари танлаб олишлари мумкин.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

Америка Қўшма Штатларида нарх-наво тобора кўтарилиб бормоқда. Айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари жуда тез кўтарилаётганлигидан АҚШдаги оддий аҳолигина эмас, шу билан бирга Америкининг қонун чиқарувчилари ҳам жиддий ташвишланмоқдалар. Сенатдаги валюта ва банк масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг шўъбаларидан бири ҳозир мана шу масала билан шуғулланмоқда. Шўъбанинг мажлисида АҚШ молия министри Ж. Шульц сўзга чиқиб, «озиқ-овқат проблемаси» жуда кескинлашганлигини эътироф қилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат нархлари яна анча оширилади, деган кейинги хабар бу проблеманинг жиддийлигини тағин ҳам ошкор қилиб қўйди, деди министр. Шу билан бирга министр, ҳукумат томонидан кўрилган чоралар, жумладан, гўшт нархларининг «энг юқори даражаси» мажбурий равишда белгилаб қўйилганлиги проблемани ҳал этиш учун уничалик етарли эмас, деди.

«Демократик ҳаракатлар тарафдори бўлган американликлар» деган ташкилот вакили А. Н. Браун хоним мажлисда гапириб, айтдики, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ошиб бораётганлиги натижасида Америкадаги оилаларнинг кўплари ўзларининг истеъмол қилаётган овқатларининг миқдорини чеклаб қўйишга мажбур бўлмоқдалар. Ҳар бир истеъмолчи ҳафтада озиқ-овқат магазинига келганида ўзининг жуда қийинчилик билан топган доллари эвазига сотиб олиш мумкин бўлган ҳозирги маҳсулотларининг миқдори тобора камайиб кетаётганлигини кўриб турибди. Браун, нархларни пасайтириш учун сенаторлар тезлик билан ҳамма чораларни кўришлари керак, деди.

Нархлар яна оширилганлиги ҳақиқатда меҳнаткашларнинг реал иш ҳақини камайтириб юборади. «Нархлар оширилганлиги тўғрисидаги хабар билан бир қаторда АҚШда корпорацияларнинг 1972 йилнинг тўртинчи кварталида олган фойдалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам эълон қилинди. Шу маълумотларга қараганда, корпорацияларнинг даромадлари бундан олдинги йилнинг тўртинчи кварталидагига нисбатан 27 процент ошган ва гоят катта миқдорга — 10,1 миллиард доллارга етган. (ТАСС).

Жаҳон бўйлаб

У. К. КЕККОНЕННИНГ СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ ШАРТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

ХЕЛЬСИНКИ, (ТАСС). Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен бундай деб ёзади: «Ўтган йилнинг декабрь ойида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг 50 йиллиги нишонланган пайтда мен байрам тантаналарида қатнашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Бош секретарь Леонид Брежневнинг Финляндия тўғрисида яхши қўшни мамлакат деб айтган гаплари биз, финларда эҳтиёт таассурот қолдирди. Биз бу гапларни мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини эътироф этиш, деб ва бу сиёсатни келгусида актив давом эттиришни рағбатлантириш, деб қабул қилдик». Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия шартномаси имзоланган кунининг 25 йиллиги муносабати билан «Финляндиядаги тинчлик тарафдорлари» ташкилоти чиқарган «Тинчлик ва дўстликнинг 25 йиллиги» тўплами У. Кекконеннинг мақоласи билан бошланади.

У. Кекконен қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Шартнома тузилган пайтгача, яъни «1948 йилга келиб яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш учун мақбул асос яратилган эди. Уша пайтга келиб халқимизнинг кўпчилиги дўстлик сиёсати позициясига мустаҳкам суратда ўтиб олганлиги ҳам диққат-эътиборга сазовордир. Менинг фикримча, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома бу соҳада жуда муҳим роль ўйнади».

СИНФИЙ ЖАНГЛАР

Қўшма Штатлар меҳнаткашлари монополияларнинг американликларнинг турмуш даражаси ва ҳуқуқларига қилаётган ҳужумига қатъий зарба бермоқдалар.

Нью-Йоркнинг марказий қисми Манхэттенни Нью-Жерси штатидаги бир қанча йирик шаҳарлар билан боғловчи «Пат» темир йўли ишчилари етти кундан бўён иш ташламоқдалар. Иш ташловчиларнинг вакиллари билан корхона эгалари ўртасида олиб борилган музокаралар ҳеч қандай натижа бермади. Бунинг боиси шуки, корхона эгалари маъмурларнинг ёрдамига таяниб, мамлакатда қийматчилик авж олиб бораётганлиги муносабати билан темирйўлчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришдан бўйин товламоқдалар.

Гавайи оролларида маъмурлар репрессия билан таҳдид қилишларига қарамай, 9 минг ўқитувчининг забастовкаси давом этмоқда. Ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ва синфлардаги ўқувчилар сонини қисқартириш учун курашмоқдалар.

Кейинги вақтларда Мичиган штатидаги автомобиль компанияларининг бир қанча заводларида стачкалар бошланди. Ишчилар тинчлик қуритадиган меҳнат системасига, ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштирилишига қарши норозилик билдирмоқдалар, Форд, «Крайслер» ва «Женерал моторс» концернлари ҳозирги вақтда Мичиган штатида 260 минг ишсиз борлигидан фойдаланиб, ишчиларни эксплуатация қилишни кучайтириб юбордилар. Улар заводларда конвейер линияларининг тезлигини оширдилар ва ишчиларни кўпроқ операцияни бажаришга мажбур этдилар. «Крайслер» компаниясига қарашли завод ишчилари жуда оғир меҳнат шароитига қарши норозилик билдирган эди, корхона эгалари активларнинг бир группасини ишдан бўшатди. Заводда бошланган стачка маъмуриятни ишдан бўшатилган ишчиларни қайтадан ишга олишга мажбур қилди.

Форд компаниясининг ана шу штатдаги заводида ишлаётган ишчилар кейинги вақтларда тинчлик қуритадиган меҳнат системасига қарши норозилик билдириб икки марта иш ташладилар.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ТИНЧЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ЙЎЛИДАН ✦ ✦ САМАРАЛИ ВИЗИТ ✦ ✦ ТХИЕУНИНГ СУЯНЧИҒИ

ХЕЛЬСИНКИДА, Финляндия кўрфази соҳилида қизил гранитдан ясалган супача устида югуриб кетаётган қизнинг бронза ҳайкали қад кўтарган. Финляндия билан СССР ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничиликнинг рамзи бўлган бу монумент 1968 йил 6 апрелда, яъни дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Совет — Финляндия Шартномасининг 20 йиллиги кунида ўрнатилди.

Шартнома тузилган кундан бўён ўтган чорак аср СССР билан Финляндия ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнаган бу Шартнома ҳар иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушганлигини яққол кўрсатиб берди. Шартноманинг 25 йиллиги ҳар иккала мамлакатда муҳим, шонли воқеа сифатида нишонланганлиги табиий бир ҳолдир. Финляндия президенти У. Кекконеннинг таклифига биноан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Финляндия пойтахтида ўтказилган байрам тантаналарида қатнашди.

Шартнома тузилганидан бўён ўтган йиллар мобайнида СССР билан Финляндия ўртасида актив сиёсий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Халқаро майдондаги асосий вазифани— халқаро тинчлик ва хавфсизлик масаласини ҳал этишда ҳар иккала мамлакат манфаатларининг бир хил эканлиги бу Шартномага асос қилиб олинган. Шартнома Финляндиянинг халқаро аҳволни мустаҳкамлаб, унинг актив тинчликсеварлик сиёсатини амалга ошириш учун шарт-шароит вужудга келтирди. Жаҳон жамоатчилиги Финляндиянинг тинчлик йўлидаги кўп ташаббусларига, масалан, унинг ҳар иккала герман давлатини таниш масаласида тутган реалистик йўлига, Финляндиянинг хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини чақиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш учун тайёр эканлигига юксак баҳо берди. Совет раҳбарларининг Финляндия раҳбарларига йўллаган табрикномасида. 1948 йил Шартномаси Европанинг шимолий қисмида ва умуман бутун Европа қитъасида тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб келди ва шундай омил бўлиб қолаверади, деб таъкидлаб ўтилди.

Утган 25 йил мобайнида Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасидаги муносабатлари, иқтисодий, маданий, илмий алоқаларни ва бошқа соҳалардаги алоқаларни самарали ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар оборот чорак аср мобайнида 6 баравар кўпайди ва 1972 йилда биринчи марта 600 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Финляндияда СССРнинг ёрдами билан саноат корхоналари ва бошқа объектлар, СССР территориясида эса Финляндия фирмаларини жалб этиш йўли билан турли объектлар барпо этилаётганлиги ҳамда реконструкция қилинаётганлиги — ўзаро фойдали ҳамкорликнинг муҳим соҳасидир.

СССР билан Финляндиянинг 1948 йил Шартномасига асосланган муносабатлари турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкин эканлигини яққол кўрсатиб берувчи намунадир. Бу муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига шак-шубҳа йўқ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ Раиси А. Н. Косигиннинг Швецияга қилган расмий визити тамом бўлди. Стокгольмда қабул қилинган Совет— Швеция қўшма ахборотида таъкидлаб ўтилганидек, бу визитнинг натижалари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада сида олинаётган жиддий хабарлар кишиларни ташвишлантирмоқда. Битим шартлари бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар кўпайиб боряпти. Сайгон қўшинлари озод қилинган ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг назоратида бўлган районларга қарши уруш ҳаракатларини, шунингдек ўзлари ишғол қилиб турган территориядаги аҳолини тинчитиш операцияларини давом эттирмоқдалар. Неча юз минглаб сиёсий маҳбуслар Сайгон режимининг ҳаддан ташқари ваҳшийликлари билан ёмон ном чиқарган турмаларда ҳануз азоб чекмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Париж битимининг бажарилиш якунлари ҳақида яқинда эълон қилинган баёнотларида шу тўғрида гапирилади.

Америка матбуотининг маълумотларига қараганда, Пентагон граждан киймини кийиб олган 10 мингдан ортиқ ҳарбий маслаҳатчини Жанубий Вьетнамда қолдирганлигига ҳам эътиборсиз қараб бўлмайди. Американинг ҳарбий базалари, қурол-яроғлари ва ўқ-дорилари Сайгон мамурлари ихтиёрига топширилди. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотида бундай дейилган: «АҚШ Вьетнамдан чиқиб кетгани ҳолда, Вьетнамнинг ички ишларига аралашишга тамомила чек қўйгани йўқ. У ўзининг ҳарбий кучларини бу мамлакатда сақлаб қолмоқда. АҚШ мустамлакачиликни амалга ошириш қуроли бўлган Сайгон маъмуриятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш режаларидан воз кечмаётир».

Шу муносабат билан Сайгон маъмурияти бошлиғи Тхиеунинг АҚШга қилган сафаридан кузатилган мақсадлар тамомила аён бўлиб қолади. Тхиеу АҚШ президенти билан ва юқори мартабадаги бошқа расмий кишилар билан музокаралар олиб борди. Тхиеунинг ўзи ҳам, унинг Пентагондаги ҳомийлари ҳам Сайгон режимининг барқарорлигига ишонмаётганлиги тамомила аёндир. Шарти кетиб парти қолган бу тузумга қўшимча суянчиқлар топиш учун жон-жаҳдлари билан уринаётганликларининг боиси ҳам шу. «Нью-Йорк пост» газетасининг фикрича, Қўшма Штатларга қилинган сафарнинг асосий мақсадларидан бири, биринчидан, Сайгон ҳукмрон доираларида Тхиеунинг обрўсини кўтариш ва, иккинчидан, «Тхиеуга нисбатан актив оппозицияни уюштириш ниятида бўлган мустақилчилар ва бетарафчиларни қўрқитиш»дан иборат бўлган.

Шуни эътироф қилиш керакки, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, «Мамлакатни Америкининг ёрдамисиз бошқариш Тхиеу учун янгилик бўлади», албатта. Аммо визит давомида Вашингтон Сайгон режимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, шу жумладан, бу тузумга ҳарбий ёрдам ҳам бераверади, деб расмий суратда эълон қилинди. Тхиеу Вашингтонда бўлган вақтида АҚШ мудофаа министри Ричардсон телевидение орқали сўзлаган нутқида АҚШ Вьетнам Демократик Республикасини бундан буён ҳар қандай вазиятда бўлса ҳам бомбардимон қилмайди, деб ваъда беришдан бош тортди. Ханойда чиқадиган «Куан Дой нян зан» газетаси таъкидлаб ўтганидек, Пентагон бошлиғининг бу позицияси таҳдид қилиш тактикасидан, Сайгон маъмурларининг Париж битимига хилоф суратда уруш ҳаракатларини давом эттиришларини рағбатлантиришдан бошқа бир нарса эмас.

Америка жамоатчилигининг фикри Тхиеуга қарши норозилик намойишларидагина эмас, балки матбуотнинг жиддий ташвиш билан изҳор қилган мулоҳазаларида ҳам ўз ифодасини топди. «Нью-Йорк пост» газетаси «АҚШнинг нуфузини ана шу шубҳали арбобнинг ҳеч қандай умид бахш этмайдиган келажагига яна боғлиқ қилиб қўйишни» бемаъни бир иш деб ҳисоблайди. «Нью-Йорк таймс» газетаси «Яна фожиа рўй бериши мумкин», деб огоҳлантиради.

Ю. КОРНИЛОВ, И. ЛАПИЦКИЙ. (ТАСС).



Монголиянинг кўпгина шаҳар ва аймоқлари учун автомобиль ҳамон замонавий транспортнинг ягона хили бўлиб қолмоқда. Машиналар республикининг энг узоқ бурчакларига қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва саноат моллари етказиб берётир. Суратда: Улан-Батор йўлида.

ТАСС фотохроникаси.



Данияда 250 мингдан эшёд ишчининг узоқ давом этган иш ташлаши корхона эгаларини касаба союзларинг баъзи талабларини қондиришга мажбур этди. Шунга қарамай, кўпгина корхоналарнинг ишчилари ўз талабларининг ҳаммасини қондиришга эришиш учун иш ташлашни давом эттирмоқдалар. Суратда: автоцистерналарнинг шофёрлари нефтни қайта ишловчи заводга олиб борувчи йўлни эгаллаб туришибди.

Политикен—ТАСС фотоси.

РЕПРЕССИЯЛАР АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Лондондерридаги католиклар яшайдиган Креган Ария кварталида инглиз патрули ўтиб бораётганида «йўқол бу ердан!» деб қичқирган бир группа ёш ирландияликларга қарата ўқлар ёмғирдек ёғдирилди. Шу жойда юз нафардан кўпроқ йигит-қиз Англия оккупациячи қўшинларининг солдатлари қилаётган репрессияларга қарши норозилик митинги ташкил этган эдилар. Солдатлар намойишчиларни тарқатиб юбориш учун уларга ўт очдилар ва «Си-Эс» газини ишлатдилар. Ёшлар орасида анча кўп жароҳатланди. Бир неча киши қамоққа олинди. Қамоққа олинганлар «осойишталик ва тартибни» бузди, деган айб билан «махсус трибунал» томонидан суд қилинади. «Виктория полис стейшн» районида солдатлар билан маҳаллий аҳоли ўртасида бошланиб кетган тўқнашув бир неча соат давом этди. Белфастда ҳам отишмалар тўхтамаётир.

ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ МАЖЛИСИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Елисей саройида Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду раислигида Франция министрлар кенгашининг яқинда парламентга бўлиб ўтган сайловдан кейинги янги составининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Франция бош министри П. Месмер 10 апрелда ҳукуматнинг умумий сиёсати тўғрисида миллат мажлисида баёнот беришини ва шундан кейин мунозаралар бошланишини, Франция конституциясига мувофиқ 12 апрелда ҳукуматга ишонч билдириш тўғрисидаги масала юзасидан овозга қўйиш ўтказилишини маълум қилди. Шундан кейингина ҳукумат составига кирадиган давлат секретарларининг рўйхати эълон қилинади.

П. Месмер бошлиқ янги ҳукумат составини 21 министрдан иборат (янгидан информация министрлиги билан маъмурий ислоҳот ишлари министрлиги) тузилган.

Франция янги ҳукуматининг сиёсий қиёфасини асосан ҳукуматда кўпчиликни ташкил қилган учта сиёсий группа белгилайди. Бу сиёсий группалар республикани ҳимоя қилувчи демократлар союзидан (12 министр), мустақил республикачилар миллий федерациясидан (4 министр) ва «демократия ҳамда прогресс» маркази (2 министр)дан иборат.

МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ УЧУН

ДЕҲЛИ, 9 апрель. (ТАСС). Ҳиндистоннинг планлаштириш министри Д. П. Дхар Жаммуда (Жамму ва Кашмир штати) ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Ҳиндистон Покистон билан муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги ҳаракатларни давом эттираверади ва иккала мамлакат ўртасидаги мавжуд масалаларнинг ҳаммасини тинч ҳал қилиш чораларини кўради, деди Ҳиндистон ҳукумати тинчлик сиёсатининг ҳал қилувчи аҳамиятини англаганлиги ва айни вақтда Покистон билан дўстона муносабатларда бўлиш Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешнинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушишини тушунаётганлиги ҳам Ҳиндистон ҳукуматининг Покистон билан мана шундай муносабатларда бўлишини тақозо қилади.

ПЕКИНДАГИ РАҲБАРЛАРНИНГ ЙЎЛИ БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИДАН ИБОРАТДИР

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). «Унэн» газетаси маочиларнинг буюк давлатчилик шовинизми тўғрисида мақола босиб чиқарди. Унда таъкидланадики, Хитой раҳбарларининг жаҳон коммунистик ҳаракати бирлиги ва жипслиги, барча революцион кучлар бирлиги ва жипслигини бузишга қаратилган ва ижтимоий тараққиётга зарар етказувчи сиёсатини жаҳон прогрессив жамоатчилиги тобора кўпроқ танқид қилмоқда ва қораламоқда. Маоизм Маркс, Энгельс, Ленининнинг буюк таълимотига зид йўлдан бориб, буржуазия миллатчилигидан иборат душманидеологияни қурол қилиб олди.

Хитойда кейинги ўн йил мобайнида буюк давлатчилик шовинизми активлашди, деб ёзади газета. Маочилар ўз мамлакатларининг танҳолигини хаддан зиёд кўкларга кўтариб, бошқа мамлакат халқларининг ютуқларини эса, аксинча, камситяптилар, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қилиб келмоқдалар. Мао Цзэ-Дун группаси миллий масалани ленинча ҳал этиш йўлидан тамомила четлашиб, Хитойнинг мейда миллатларига нисбатан ҳам шовинистик сиёсат ўтказмоқда.

Майда миллатлар яшайдиган Тибетни, Синьцзян-уйғур автоном районини, ички Монголия ва бошқа районларни эўрлик билан хитойлаштириш, деб ёзади «Унэн», маочилар ўтказаётган сиёсат марксизм-ленинизмга нақадар ёт ва халқатли эканлигига бир мисолдир. Асли хитой бўлмаган 45 миллион киши мана шу адолатсиз шовинистик йўл касрига қолди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ РЕЙКЬЯВИК. Бу ерда СССР билан Исландия ўртасида 1973—1974 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик программаси имзоланди. Программа ҳар иккала мамлакат ўртасида маданият ва фан соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришни кўзда тутади.

◆ ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашига тайёргарлик борасида кўп томонлама маслаҳатлашув учинчи босқичининг якунловчи ялпи мажлиси бўлди. Тўртинчи босқич 25 апрелда бошланади. Франция вакили бу мажлисда Умумевропа кенгашининг ишини ташкил этиш лойиҳасини тақдим этди. Бу лойиҳа кўп томонлама маслаҳатлашувнинг тўртинчи босқичи бошланган чоғда қараб чиқилади.

◆ БЕРЛИН. ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф бу ерга келган АҚШ делегациясини қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар проблемалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

◆ БАЙРУТ. Исроилнинг ҳарбий катерлари жума куни кечқурун Тир шаҳридан 15 километр нариги Касмия ороли атрофида Ливаннинг территориал сувларига бостириб кирди.

Исроил ҳарбийлари қўшни араб мамлакатларига қарши ҳарбий игвогарлик билан бир қаторда босиб олинган территорияларда террор ва репрессия сиёсатини давом эттирмоқда. Фаластин ахборот агентлигининг хабар беришича, Исроил оккупациячи маъмурлари кейинги кунларда Фаластин қочоқларининг Аш-Шатти ва Нусайрат лагерларида (Газа сектори) ёппасига тинтув ўтказиб кўп кишини қамоққа олганлар.

(ТАСС).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Ўзбекистон ёшлари телевизион фестивали

Ўзбекистон телевидениеси музикали кўрсатувлар редакцияси томонидан ташкил этилган «Марҳабо, талантлар!» фестивали республикамиз телетомошабинларида катта таассурот қолдирган эди. Мана куни кеча «зангори экран» муҳлислари яна бир янги кўрсатувни мароқ билан томоша қилдилар. Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигига бағишлаб республика область ёшларининг телевизион турнири эфирга чиқди. «Ёшлик» студияси томонидан ташкил этилган мазкур кўрсатувда қуёшли диёримиз ёшлари ўзларининг ҳар томонлама етукликларини, чуқур билим ва зеҳнларини, талант ва истеъдодларини, маънавий камолотларини синовдан ўтказадилар. Бу фестиваль, биз, ватанпарвар, интернационалистларимиз шиори остида ўтади.

«Зеҳн» телевизион фестивалининг биринчи мусобақасини республикамизнинг икки области — Хоразм ва Андижон ёшлари бошлаб бердилар. Телевизион турнир низомига кўра кўрсатувда беллашаётган командалар ўзаро бир-бирларини табрик этадилар, уй вазифасини бажарадилар, санъатларини намойиш этадилар, савол-жавобларда илмларини синаб кўрадилар, қизлар мушоираси бўлади ҳамда ҳар бир область вакиллари ўзларининг анъанавий, замонавий тўйларидаги «Ёр-ёр» лавҳаларини намойиш қиладилар. Мусобақа охирида командалар капитанлари куч синашадилар.

Биринчи телевизион кўрсатувда Хоразмнинг «Феруз» ва Андижоннинг «Истиқбол» командалари ўзаро мусобақа қилдилар. Мусобақада ҳар икки область ёшлари ўзларининг ҳар жиҳатдан камолотга эришаётганликларини, зийраклик, етуклик, ҳунар ва нафосатларини намойиш қилдилар. Фестиваль қатнашчилари шеърий табрикдан сўнг маиший мавзуда кундалик турмушимизда учраб турадиган айрим камчиликларни ҳажв қилувчи сўзсиз саҳнани кўрсатишди. Пахта, саноат, илм-фан борасида эҳтиросларини имтиҳондан ўтказишди. Дилрабо қўшиқ ва рақслар билан томошабинлар кўнглини шод этишди.

Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» редакциясининг ана шундай янги телевизион фестиваль ташкил этиб, томошабинларнинг ҳушнуд этиши таҳсинга сазовордир.

А. ЮСУПОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ДАХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Радио журналистлар анжумани

Бутуниттифоқ радиовидение ва радиоэшиттириш ходимлари малакасини ошириш институтининг Узбекистон филиалида бир ой давом этган Тошкент, Сирдарё, Андижон областлари район маҳаллий радио ташкилотчиларининг анжумани бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари КПСС XXIV съезди қарорлари муносабати билан журналистлар олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Совет радиоси тарихи, эстетика, район маҳаллий радиоэшиттиришларининг мазмуни ва услуби ҳақида лекциялар тинглаб, тажриба алмашдилар.

У. ДОСТОНОВ.

Механизаторлар отряди

Иштихон район «Узсельхозтехника» бирлашмаси ҳузурида ташкил қилинган курсда ўқиган 120 комсомол-ёш трактор ва «зангори кема» бошқаришни ўрганиб олди. Улар яқинда район колхоз ва совхозларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

А. ИМОМОВ.

Бухоро лимони

Бухоро теплица тажриба станцияси хўжалигига Самарқанддан олиб келинган 100 тупдан ортиқ лимон кўчати бу йил гулга кирди.

Станциянинг миришкор боғбонлари ҳар туп лимондан 50-60 донадан ҳосил олишни мўлжалламоқдалар. Бу йил шаҳарликлар дастурхонида Бухоро лимони ҳам бўлади.

Р. НОСИРОВ.

Янги телефон станцияси

Бойсун район марказида қад кўтарган янги бино пештоқига «АТС» деб ёзиб қўйилган. Бу 500 точкага мўлжалланган автомат телефон станцияси райондаги шойи тўқиш фабрикаси, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, кўчма механизациялашган колонна каби корхона, ташкилотларда, хонадонларда телефон алоқасини яхшилаш имкониятини беради.

Н. МУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оржоникидзе районидаги 21-ўрта қишлоқ хунар-техника билим юрти чорвачилик фермалари механизаторлари, кичик ветеринария фельдшерлари, мева-сабзавотчилик соҳибкорлари тайёрлайди. Билим юртида чуқур билим бериш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Ўқувчилар практикаси областнинг колхоз ва совхозларида ўтказилади. Суратда: мева-сабзавотчилик ихтисоси бўйича таҳсил олаётган I курс ўқувчиси Раъно Мадраҳимова ўқув хўжалиги боғида олчанинг гуллашини кўздан кечирмоқда. Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт. Спорт. Спорт.

ХОККЕЙ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

ДАВРА ЯКУНИДА

Чемпионат ўйинларида ҳал қилувчи давра бошланди. Совет хоккейчилари дастлабки даврани ғолиб сифатида якунлашди. Командамиз шанба куни Швеция хоккейчилари билан учрашиб яна ғалаба нашидасини сурдилар. Улар ўн очко билан пешқадамликни тағин ҳам мустаҳкамладилар. СССР — Швеция ўйинида 6:1 ҳисоби қайд қилинди. Энди кураш кумуш ва бронза медаллар учун давом этадиган кўринади. Давранинг охирги ўйинини Финляндия командаси билан ўтказган чемпион ўз ҳисобларига яна икки очко ёзиб олишди.

Майдон эгалари иккинчи даврани йирик ғалаба билан бошладилар. СССР хоккейчилари якшанба куни ГФР командаси билан ўйнаб, ҳисобни 18:2 га чиқаришди. Шу куни ЧССР командаси польшалик хоккейчилар билан ўйнаб, 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Ўйинлар жадвалининг бугунги кўринишни қуйидагича бўлди:

Командалар	Ў	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	6	6	0	0	61-11	12
ЧССР	6	4	0	2	28-11	8
Швеция	5	4	0	1	25-12	8
Финляндия	5	2	0	3	19-18	4
ГФР	6	1	0	5	14-57	2
Польша	6	0	0	6	9-47	0

БИРИНЧИ САБОҚ

Ниҳоят футбол мавсуми бошланди. Ҳаяжонли ўйиннинг дебоча учрашувида илк марта тўп суриш бу сафар ҳам олий лигачиларга насиб қилди.

Мамлакат XXXV чемпионатининг байроғи Тошкентда кўтарилди. Шамолда ҳилпираб турган алвон байроқни команда капитанлари — торпедочи В. Никонов билан пахтакорчи Б. Абдураимов кўтарди. «Пахтакор» — «Торпедо» командалари ўйинининг 3-минутида дастлабки тўп торпедочи Г. Шалимов томонидан киритилди.

Ўйиннинг 17-минутида мухлислар Т. Исоқов ошириб берган тўп билан ҳисобни тенглаштирган Б. Абдураимовни олкишладилар. Танаффусдан кейин тўп қитиш осон бўлмади. Дарвозалар ёнида хавфли ҳолатлар бўлиб турди. 76-минутда эса ярим ҳимоячи В. Дегтярев тўпни боши билан дарвозага йўллаб, командаси ғалабасини мустаҳкамлади. Ҳисоб — 1:2.

Ҳозирча пахтакорчиларни мавсумга ҳар томонлама шай дейиш қийин. Ўйлаймизки, футболчиларимиз мазкур ўйинда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қиладилар ва учрашувдан-учрашувга мухлисларни хурсанд этадилар.

Футбол мавсумининг биринчи куни ўтказилган қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Динамо» (Тбилиси) — «Заря» 5:3, «Шахтёр» — «Спартак» 2:1, СКА — «Динамо» (Минск) 1:2, «Арарат» — «Динамо» (Киев) 3:1, «Қайрат» — «Динамо» (Москва) 1:0, «Карпат» — «Зенит» 5:4, «Днепр» — ЦСКА 4:1.

ФИН БАҲОДИРИНИНГ РЕКОРДИ

Кеча, Хельсинкидан берилган хабарда моҳир фин спортчиси Калеви Халденранта (иккинчи оғир вазн) Валкеокоски шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган миллий мусобақада янги жаҳон рекордини қўйди. У 151 килограмм тошни даст кўтара олди. Бўйи 192 сантиметр ва вазни 140 килограмм бўлган фин баҳодири бу муваффакиятга узоқ машқ орқасида эришди. Унинг касби полициячилик. Калеви Халденранта совет спортчиси Василий Алексеев томонидан қўйилган жаҳон рекордини янгилади. У буни бир килограммга оширди.

ҚИЛИЧБОЗЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Запорожье шаҳрида ўтказилаётган Бутуниттифоқ қиличбозлик мусобақасида ўзбекистонлик спортчилар катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Команда ҳисобидаги ҳамма ўчта учрашувда ютиб чиқиб, хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олдилар. Шахсий учрашувларда спортчи Убайдулла Ҳикматуллаев («Динамо») тўртинчи ўринни эгаллади.

* * *

Рапирачилар мусобақасида иккита мукофотли ўрин Ўзбекистон спортчиларига насиб бўлди. «Буревестник» студентлар жамиятининг вакиллари Тамара Еремина билан Наталья Николаевалар ғолиб чиқдилар.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЕР МАГНЕТИЗМИ ВА ОБ-ҲАВО

Якутиядаги Оймякон қишлоғи яқин келажакда «Совуқлик қутби» деган номидан ажрашига тўғри келади. Совуқлик ҳукмронлиги ўн йилда ўрта ҳисоб билан икки географик градус тезликда ғарбга томон муттасил силжиб бормоқда. Ленинградлик метеоролог К. В. Кондратович бу нарса планета магнит қутбларининг кўчишидан вужудга келади, деб тушунтиради.

Олим СССР география жамиятида иқлимшунослик ва ғоят узоқ муддатли прогноз проблемаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда ер магнетизмининг оби-ҳаво билан алоқалари тўғрисида гапириб берди. К. В. Кондратович шимолий ярим шарнинг энг совуқ зоналари ер магнит майдонининг энг зўриққан нуқталарига яқинлашмоқ келишига ўз ҳамкасбларининг эътиборини жалб қилди. Булар Канаданинг шимолий магнит қутби районидаги шарқий сектори билан Оймякон районидир. Айни махалда шу жойларда қишлик ва ёзлик температура ўртасидаги тафовут жуда каттадир. Кучли ҳаво оқимлари бу ерларга ёриб ўтадиган ҳоллар камдан-кам бўлади.

«Магнетизм — об-ҳаво» алоқа механизмининг сир-асрорлари ҳозирча тўла очилган эмас, Аммо К. В. Кондратович шу алоқа молекула даражасида ўтса керак, деб ўйлайди. Магнит кучланганлиги зоналари ғоят сезгир кислород молекулаларини ўзига «тортади». Кам ҳаракатчан атмосферада тўпланган кислород молекулалари қишдан манфий ва ёзда мусбат катта термик эффектга эга бўлган ўзига хос азон кўрпаси ҳосил қилади.

К. В. Кондратович қадимги хроника ва ҳужжатлардан об-ҳаво тўғрисидаги палеомагнит хабар ва маълумотларни бир-бирларига таққослаб, кейинги 5 минг йил мобайнида об-ҳаво билан ер магнетизмининг узлуксиз алоқасини кузатиб чиқди. Масалан тарихий манбаларга кўра XV—XVI асрларда Европа ҳавосининг бирдан совиб кетганлиги («кичик музлик даври») магнит қутбининг Гренландия шимоли орқали ўтишига ва атмосфера айланишининг бузилишига тўғри келади. Айни шу вақтларда қутб музлари шимолий Атлантикага тушиб, Гренландия билан Америкага бемалол қатнаб юрган Скандинавия викингларининг қадимги йўлларини тўсиб қўйган.

Н. КОНСТАНТИНОВ,
(ТАСС мухбири).
Ленинград.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАР АСПИРАНТУРАЛАРИГА 1973 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Астрономия тупиги, 11-уй)
қатнаб ўқиш: функционал назария ва функциялар назарияси, дифференциал ва интеграл тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, геофизика;
сиртдан ўқиш: функционал назария ва функциялар назарияси, дифференциал ва интеграл тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, геофизика.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
(Тошкент области, Улуғбек поселкаси)
қатнаб ўқиш: экспериментал физика, назарий ва математик физика, атом ядроси ва космик нурлар физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси;
сиртдан ўқиш: экспериментал физика, назарий ва математик физика, атом ядроси ва космик нурлар физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, радиацион химия.

С. В. СТАРОДУБЦЕВ НОМИДАГИ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Обсерватория кўчаси, 85-уй).
қатнаб ўқиш: қаттиқ жисмлар физикаси, атом ядроси ва космик нурлар физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, энергия турларини қайта тиклаш;
сиртдан ўқиш: қаттиқ жисмлар физикаси, атом ядроси ва космик нурлар физикаси, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, энергия турларини қайта тиклаш.

ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Обсерватория кўчаси, 85-уй)
қатнаб ўқиш: физик электроника, қаттиқ жисмлар физикаси;
сиртдан ўқиш: физик электроника, қаттиқ жисмлар физикаси.

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар Астрономия тупиги, 11-уй)
қатнаб ўқиш: астрономия, астрометрия ва фазовий механика;
сиртдан ўқиш: астрономия, астрометрия ва фазовий механика.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАНРОҚ ОРДЕНЛИ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ ВА КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Володарский кўчаси, 26-уй)
қатнаб ўқиш: ҳисоблаш математикаси, математик кибернетика, алоқа воситаларини механизациялаш ва автоматлаштириш, техник кибернетика ва информациялар назарияси, темир йўл транспортини эксплуатация қилиш, илмий ва техник информация, қурилиш технологияси ва уни ташкил қилиш, ҳисоблаш техникаси, автоматик бошқариш ва тартибга солиш, иқтисодий илмий текширишларда математик метод;
сиртдан ўқиш: математик логика, ҳисоблаш математикаси, математик кибернетика, алоқа воситаларини механизациялаш ва автоматлаштириш, техник кибернетика ва информациялар назарияси ҳисоблаш техникаси, илмий ва техник информация, қурилиш технологияси ва уни ташкил қилиш, иқтисодий-илмий текширишларда математик метод.

М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Академия шаҳарчаси)
қатнаб ўқиш: назарий механика, механизмлар, машина ва автомат тармоқлар назарияси; материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси, қишлоқ хўжалик машиналари, асос, фундаментлар ва ер ости иншоотлари; иншоотларни синаш, машиналар, асбоб ва аппаратлар динамикаси ва мустаҳкамлиги;
сиртдан ўқиш: назарий механика, механизмлар, машина ва автомат тармоқлари назарияси, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси, қишлоқ хўжалик машиналари; асос, фундаментлар ва ер ости иншоотлари; иншоотларни синаш; машиналар, асбоб ва аппаратлар динамикаси ва мустаҳкамлиги.

Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй)
қатнаб ўқиш: геофизика;
сиртдан ўқиш: геология, маъданли фойдали қазилмаларнинг геологияси ва қидириш йўллари; фойдали қазилмаларни топишнинг геофизик методлари.

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Хуршид кўчаси, 3-уй)
қатнаб ўқиш: инженерлик геологияси, геофизика;
сиртдан ўқиш: инженерлик геологияси, геофизика.

ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Черданцев кўчаси, 19-уй)
қатнаб ўқиш: юқори молекулали бирикмалар химияси, химик технология аппаратлари ва процесслари, силикатли ва қийин эрувчан нометалл материаллар технологияси;
сиртдан ўқиш: ноорганик химия, физик химия, электрохимия, юқори молекулали бирикмалар химияси, коллоидли химия, химик технология аппаратлари ва процесслари, юпқа органик моддалар синтези.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАНРОҚ ОРДЕНЛИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ХИМИЯСИ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Черданцев кўчаси, 19-уй)
қатнаб ўқиш: органик химия, табиий ва физиологик актив моддалар химияси;
сиртдан ўқиш: органик химия, табиий ва физиологик актив моддалар химияси.

ВИОРГАНИК ХИМИЯ БЎЛИМИ
(Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 16-уй)
қатнаб ўқиш: органик химия (биорганик химия);
сиртдан ўқиш: органик химия (биорганик химия).

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Академия шаҳарчаси)
сиртдан ўқиш: ботаника.

БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Черданцев кўчаси, 56-уй)
қатнаб ўқиш: биофизика, биохимия;
сиртдан ўқиш: биофизика, биохимия.

ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар. Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй)
қатнаб ўқиш: генетика;
сиртдан ўқиш: радиобиология, ўсимликлар физиологияси.

ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, А. Ҳидоятов кўчаси, 1-уй)
сиртдан ўқиш: вирусология, энтомология.

МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ
(Тошкент шаҳар, Академия шаҳарчаси)
сиртдан ўқиш: микробиология.

ФИЗИОЛОГИЯ БЎЛИМИ
(Тошкент шаҳар, 1-Жуковский тупиги, 47-уй)
сиртдан ўқиш: одам ва ҳайвонлар физиологияси.

БОТАНИКА БОГИ
(Тошкент шаҳар, Ж. Обидова кўчаси, 272-уй)
сиртдан ўқиш: ботаника.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 70-уй)
сиртдан ўқиш: СССР тарихи, этнография

АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
(Самарқанд шаҳар, Магистральная кўчаси, 3-уй)
қатнаб ўқиш: археология;
сиртдан ўқиш: археология.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 70-уй)
сиртдан ўқиш: СССР халқлари адабиёти, адабиёт назарияси, турк тиллари, умумий тилшунослик.

А. БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, Черданцев кўчаси, 25-уй)
сиртдан ўқиш: умумий тарих.

ИҚТИСОД ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй)
қатнаб ўқиш: саёсий иқтисод, СССР районларининг экономикаси, СССР ва чет мамлакатлар ишлаб чиқарувчи кучларининг жойлашиши; экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш, ривожланаётган мамлакатлар экономикаси, капитал маблағлар ва янги техниканинг самарадорлиги, иқтисодий илмий текширишларда математик метод.
сиртдан ўқиш: саёсий иқтисод; СССР районларининг экономикаси, СССР ва чет мамлакатлар ишлаб чиқарувчи кучларининг жойлашиши; экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш капитал маблағлар ва янги техниканинг самарадорлиги; иқтисодий илмий текширишларда математик метод.

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ
(Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 33-уй)
қатнаб ўқиш: фалсафа тарихи, диалектик ва тарихий материализм;
сиртдан ўқиш: диалектик ва тарихий материализм, марксча-ленинча эстетика, марксча-ленинча этика, табиатшунослик ва фалсафий масалалари, давлат ва маъмурий ҳуқуқ ҳамда давлатни бошқариш, совет қурилиши, гражданлик ҳуқуқ ва процесси; колхоз, ер, сув; ўрмон ва тоғ ҳуқуқи ҳамда табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ
(Нукус шаҳар, М. Горький кўчаси, 179-аз-уй)
қатнаб ўқиш: ҳисоблаш математикаси, геофизика, ихтиология, юпқа органик моддалар синтези, экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш, иқтисодий илмий текширишларда математик метод;
сиртдан ўқиш: гидробиология, СССР тарихи, экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш, иқтисодий илмий текширишларда математик метод; диалектик ва тарихий материализм, фалсафа, тарих, илмий атеизм, фольклор, СССР халқлари адабиёти, декоратив ва амалий санъат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ
(Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 70-уй)
сиртдан ўқиш: СССРнинг иқтисодий географияси.

* * *

КУНДУЗГИ (ҚАТНАБ ЎҚИШ) АСПИРАНТУРАГА 35 ЕШДАН КАТТА БЎЛМАГАН СИРТҚИ (СИРТДАН ЎҚИШ) АСПИРАНТУРАГА 45 ЕШДАН КАТТА БЎЛМАГАН, ТЎЛИҚ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНДАН СЎНГ ТАНЛАГАН МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА КАМИДА 2 ЙИЛ АМАЛИЙ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Иш стажи бўлмаганлар фақат олий ўқув юртлари, факультетларнинг илмий кенгашининг назарий мутахассисликлар бўйича тавсияси билангина имтиҳонга киритиладилар.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юрти программаси бўйича: махсус фан, КПСС тарихи ва чет тиллардан бири бўйича имтиҳон топширадилар. Кириш вақтида абитуриентлар танлаган мутахассислиги темаси юзасидан ёзма равишда реферат топширадилар. Илмий ишлари ва нашриётлари бўлган кишилар реферат ёзишдан озод қилинади. **Имтиҳонга қўйилган кишиларга кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун иш жойларидан 30 календарь кунига маошлари сақлаб қолинган ҳолда отпуска берилади.**

Аспирантурага қабул қилиш ҳақида илмий-текшириш институти директори номига ёзилган аризага кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, фотосурат билан (4х6), олий маълумоти ҳақида дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, сўнгги иш жойидан иқтисодий-ишлаб чиқариш характеристикаси, сўнгги иш жойидан олинган маоши ҳақида справка (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), шунингдек реферат ёки эълон қилинган ишлари рўйхати қўшиб топширилади.

Ҳужжатлар бир нусхада икки фотосурат билан тақдим этилади. Ариза ва ҳужжатлар 1973 йил давомида қабул қилинади.

Аспирантлар иш жойида оладиган маошлари миқдорида (фақат 100 сўмдан ошмаган тақдирда) **стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар** (алгизлар).

Справкалар учун Узбекистон ССР Фанлар академиясининг юқорида кўрсатилган институтларига мурожаат қилинсин.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Бой ила хизматчи.**

КИНО

Охирги ўқ — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 12.45, 2.30, 4.15, кеч соат 6, 7.45, 9.15 минутда).

Шайтон малайлари иблис тегирмонида; Айни — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2.30, 5 ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кундуз соат 12.30, 3, 5.30 ва кеч соат 8.30 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10, кундуз соат 1, 4 ва кеч соат 7 да).

Одам оркестр; Тахта — «КУКЧА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Бугун яшаш, эртага ўлиш — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 3, 5, кеч соат 8, 9 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз соат 12, 2, 4, кеч соат 6, 8, 9.45 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 5, кеч соат 7, 8.30 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11 кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Шайтон малайлари иблис тегирмонида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 9 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 9 да).

Она муҳаббати — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 2.30, 5.30 ва кеч соат 8.30 минутда).

Яшасин севги! — «ВОСТОК» (кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Самовий саргузаштлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.30, кундуз соат 1, 3.30, кеч соат 6, 8.20 минутда).

Қўланка билан жанг — «СПУТНИК» (кундуз соат 12 ва кеч соат 6 да).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси аппаратининг ходимлар коллективи бўлим мудири А. М. Ризаевга отаси

Муҳсин РИЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 84. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01338.